

Бемор
дүстүмга
мактуб

Китоб:	Бемор дўстимга мактуб
Муаллиф:	Мустафо ибн Адавий
Таржимон:	Камолиддин Иноятуллоҳ
Ношир:	«Ихлос»
Саҳифаловчи:	Сайд Аҳмад
Саҳифа сони:	96 бет
Нашр:	Биринчи
«Ихлос»:	10
Тираж:	1000 дона
Тарих:	1441 ҳ. – 2020 м.
E-mail:	info@ixlos.org
Web саҳифа:	http://ixlos.org/

Бемор дўстимга мактуб

Мустафо ибн Адавий




بِسْمِ اللَّهِ الرَّحْمَنِ الرَّحِيمِ

ТАРЖИМОН МУҚАДДИМАСИ

Азиз китобхон, қўлингиздаги ушбу мўъжаз китобча соғлигини йўқотган хаста инсонлар кўнглига бир оз бўлсада тасалли бўлар деган мақсадда сизга тақдим этилди. Аввало, барча мўмин хаста инсонларга Аллоҳ шифо берсин, дардларини аритсин, bemor ва унга қаровчи инсонларга сабр-матонат берсин. Аллоҳ бу дунёда бандаларини синаши Ўзининг суннати, бундан ҳеч ким холи эмас. Кимнидир бойлик-фаровонлик билан, кимни камбағаллик билан, кимни соғлик-офият билан ва кимнидир дардманлик-касаллик билан синайди. Буларнинг бари синов-имтиҳон. Муҳими инсон шу имтиҳондан қандай ўтишида. Тушкунликка тушиб, сабрсизлик қилиб, Аллоҳ рози бўлмайдиган гап-сўзлар билан дард устига ўзига

гуноҳ орттириб оладими ёки тақдирга рози бўлиб, сабр билан дарднинг давосини излайдими. Ҳар қандай дарднинг давоси бор. Аллоҳ берган дардга сабр қилинса, шифосини сўраб дуо-илтижолар қилинса, меҳрибон Аллоҳ шифо ҳам ажр-мукофот ҳам беради. Инсонлар пешқадамлари пайғамбарларга ҳам турли касалликлар етган. Айюб алайҳиссалом неча йил тўшакка михланиб қолганлар, Яъқуб алайҳиссаломнинг кўзлари кўрмай қолган, пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг истма ва бош оғриқлари оддий инсонларнинг иккитасининг оғриғича бўлар эди. Барчалири сабр қилишган, дардларига шифо ва савобни Аллоҳдан умид этганлар. Уммат ўлароқ ҳар бир мўмин уларга эргашиб, тутган йўлларида юриши лозимдир.

Ушбу китобча азиз мусулмонларга,
хоссатан хаста биродарларга бир эс-
латма вазифасини бажаришини умид
қиламиз.



IXLOS
Nashriyoti

МУҚАДДИМА

Аллоҳ таолога кўпдан-кўп, поки-за ва муборак ҳамду санолар бўлсин. Мен Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқлиигига, Унинг ёлғиз ва шериксиз эканига, Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва саллам Унинг бандаси ва элчиси эканига гувоҳлик бераман. Пайғамбаримизга, у зотнинг аҳли оиласарига, сахобаларига ва қиёмат кунига қадар у зотга эргашган кишиларга салавот ва саломлар бўлсин.

Аммо баъд...

Бемор дўстим, хаста биродарим! Аллоҳ сизга комил шифо ато этсин, сабр ва ажр берсин, қазои-қадарга рози бўлиб яшашни насиб этсин. Бу рисолани ўзингиз учун бир эслатма, панд-насиҳат ўрнида қабул қилгайсиз. Асло тушкунликка тушманг. Иншаал-

лоҳ, тузалиб кетасиз ва чеккан дардингиз гуноҳлардан покланишингизга сабаб бўлиб қолади.

Баъзан баданга, баъзан мол-дунёга, баъзан аҳли-оила ва фарзанди аржумандларга зарар етиши Аллоҳ таолонинг яралмишлар устидаги суннати экан. У бандаларини шундай имтиҳонлар билан синаб турар экан. Сизга ҳам синов келган экан, сабр қилинг, чекаётган дардингизга Аллоҳдан ажр умид қилинг, Аллоҳ сизга яхши мукофотлар берсин.

Ушбу эслатма ва панду насиҳатни Аллоҳ таоло барчамизга фойдали қилсин. Уни сизга аввало энг яхши Китобдан – Аллоҳнинг китобидан тақдим этаман. Раббингиз Аллоҳ азза ва жалланинг сўзларини келтираман. Аллоҳдан кўра ростгўйроқ ва вавдасига вафодорроқ ким бор?!

Кейин сиз яхши кўрган ва қиёматда бирга бўлишни орзу қилган зот – Пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг сўзларидан келтираман. У зот ҳавои нафсдан сўзламайдилар. Сиз бу сўзларни қабул қилинг, уларга шак-шубҳасиз ишонинг. Тушкунликка тушманг, маҳзун бўлманг. Аллоҳ юборган синовларга сабр қилинг. Бесабрлик қилиб, ножӯя сўзларни айтиб қўйманг. Аллоҳ бало-мусибатларни одамлар ўртасида айлантириб туради. Аллоҳ хоҳласа сизга ҳам шифо беради. Қанча касаллар соғайиб кетган ва қанча соғ-саломат кишилар кутилмагандан касал бўлиб қолган. Қазои қадарга рози бўлиб, ажр умидида касалга сабр қилаётганлар ҳам оз эмас, алҳамдуиллаҳ.

Аллоҳ таоло барчамизни бало-қазолардан асрасин, чин тавба қилиб, Ўзига қайтишни насиб этсин.

Пайғамбаримизга, аҳли байтлари
ва асҳоби киромларига Аллоҳнинг са-
лоти ва саломи бўлсин.

*Биродарингиз Абу Абдуллоҳ
Мустафо ибн Адавий*



IXLOS
Nashriyoti

ХАСТА БИРОДАРИМ...

Аллоҳ таоло комил шифо ва оғият ато этсин. Унутманг, сизга келган бу синов, яъни касаллик тақдириңгизда битилгандир. Бирон фалокатга дучор бўлсангиз, демак, шу тақдириңгизда ёзилган ва шундай бўлиши керак эди. «Бундай қилганимда бундай бўлмасди, бундай қилганимда бундай бўларди», деманг, балки: «Қазою қадар, Аллоҳ шуни тақдир қилган экан, Аллоҳ хоҳлаганини қиласиган Зот», денг. «Бундай қилганимда, бундай бўларди» деган сўз шайтонга йўл очади.

Яхши билингки, Аллоҳнинг қазои қадаридан асло қочиб қутула олмайсиз. Аллоҳ таоло айтади: **«Сиз уларга айтинг: “Ажаллар Аллоҳнинг қўлидадир, агар сиз уйларингизда бўлсангиз ва Аллоҳ сизнинг ўлишингизни тақдир**

қилган бўлса, қисматларига ўлим битилган кимсалар ўлдириладиган жойларига чиқиб келишган бўларди”» (Оли Имрон, 154).

Шу суранинг 156-оятида эса: «**Эй Аллоҳ ва Расулига иймон келтирган кишилар, сизлар Раббилариға иймон келтирмайдиган кофир кимсаларга ўхшаманг.** Улар ўзларининг куфр аҳли бўлган биродарлари агар тирикчилик мақсадида Аллоҳнинг ерида сафар қилиб ёки жангчилар билан бирга урушга кириб, шу сафарда ёки урушда ўлсалар ёки ўлдирилсалар, улар ҳақида:

“Агар ўшалар сафарга ёки жангга чиқмасдан биз билан бирга ўтиришганда эди, ўлмаган ва ўлдирилмаган бўлишар эди”, деб айтишади. Бу сўз уларнинг қалбларига ўрнашиб қоладиган ғам-алам ва ҳасратни зиёда қиласди. Мўминлар эса, бу ишлар фақат Аллоҳнинг қадари би-

лан бўлишини яхши биладилар. Аллоҳ уларнинг қалбларини ҳаққа йўллаб қўяди ва мусибатларини енгиллатиб қўяди. Аллоҳ яшашини тақдир қилган кишини гарчи мусофир ёки урушда бўлса ҳам яшаттираверади. Ажали етган кишини эса уйида ҳам вафот эттираверади» (Оли Имрон, 156).

Аллоҳга ишонмайдиган кофир кимса агар отаси ёки ака-укаси сафарга чиқиб, ё урушга кетиб ўлса, ё ўлдирилса: «Агар кетмай уйда қолганида шу иш бўлмас эди, ўлмаган бўлар эди. Эҳ, қанийди, сафарга чиқмаганида, уйдан кетмаганида», деб ҳасрат-надомат қиласди. Раббимиз Аллоҳ таоло бизни кофиirlар айтганидек сўзлар айтишдан қайтарган. Мусибат етса: **«Албатта биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз У Зотга қайтувчилармиз»** (Бақара, 156), деб айтишни таълим берган.

Бемор дўстим... Мехрибон ва раҳмли Аллоҳ субҳонаҳу ва таолонинг мана бу сўзларига ишонинг, асло шак-шубҳа қилманг: «**Сизларга ер юзида ҳамда ўз вужудингизда балою офат, очлик-ташналик, касаллик** каби неки бир мусибат етса, халқларнинг яралишидан илгари Лавҳул Маҳфузда битиб қўйилгандир. Албатта бу Аллоҳ таоло учун жуда осондир. Токи сизлар қўлларингиздан кетган молу дунёга ғамгин бўлманг ва ўзингизга етган бу нозу неъмат, дунё матоларига қувониб, ҳаволаниб кетманг. Аллоҳ ҳар қандай мутакаббир, мақтанчоқ кимсаларни яхши кўрмайди» (Ҳадид, 22-23).

Бошқа бир оятда бундай деган: «**Кимга қандай бир мусибат ва кўргулик етса, албатта Аллоҳнинг изни билан етади.** Ким Аллоҳга иймон келтирса, Аллоҳ унинг қалбини ҳидоят қилиб қўяди» (Тағобун, 11).

Аллоҳнинг қазою қадарига рози бўлсангиз Аллоҳ қалбингизга хотиржамлик ва иймон-ишонч бериб қўяди. Бунга муваффақ этишини Аллоҳдан сўраб дуо-илтижо қилинг. Сабр қилинг, мусибатга ажр умид қилинг. Сиз ҳозир синалмоқдасиз, имтиҳондасиз. Бу имтиҳондан ёруғ юз билан чиқишига, мартабангиз юқори бўлиб, гуноҳларингиз ўчирилишига ҳаракат қилинг.

Аллоҳ таоло деди: «**Эй мўминлар, иchlарингиздан мужоҳидларни ва сабр қилувчиларни ажратиб кўрсатмагуни мизча ҳамда сизларни синаб кўрмагунимизча сизларни имтиҳон қилаверамиз**» (Муҳаммад, 31).

Оли Имрон сурасининг 186-оятида: «**Эй мўминлар, сизлар молларингизда ҳамда жонларингизда албатта имтиҳон қилинасиз**» деб, оят сўнгида: «**Буларнинг ҳаммасига сабр қилсангиз,**

тақво қилсангиз, албатта бу азму қарор қилинадиган мақсадга мувофиқ ишлардандир» деб айтган.

Зумар сурасида эса: «Ҳеч шакшубҳа йўқки, сабр қилувчиларга охиратда ажр-мукофотлари ҳисоб-китобсиз тўла-тўкис қилиб берилгай» (Зумар, 10).

«Синов-имтиҳонларга сабр қилувчи кишиларга хушхабар беринг. Уларга бирор мусибат етса: “Албатта биз Аллоҳнинг қулларимиз ва албатта биз Унинг ҳузурига қайтувчимиз”, дейдилар» (Бақара, 155-156).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сабр зиёдир» деб айтганлар¹. Ҳа, сабр йўлни ёритиб турадиган зиёдир. Сабр билан Аллоҳ таоло бандани тўғри йўлга йўллаб, яхши амаллар

¹ Имом Муслим ривояти, 223-ҳадис.

қилишга муваффақ қиласы. Сабр әнг яхши ато, неъмат-инъомдир. Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам сабр ҳақида: *«Бандага сабрдан күра яхшироқ ва каттароқ неъмат берилмаган»*, деганлар².

Аллоҳ таоло мөхрибон ва раҳмлидир. Сизни синааб мусибат берган бўлса, бу сизни ёмон кўрганидан эмас, асло бундай гумонга борманг. Пайғамбарлар ва солиҳ зотларга ҳам мусибатлар келган. Эҳтимол, дуо қилмай қўйгандирсиз, Аллоҳ таоло шу мусибат сабаб дуога қўл чўзишингизни истагандир ва шу билан сизга ажр-мукофот бермоқчидир. Ёки бировга зулм қилган бўлсангиз, мазлумга ҳаққини қайта-ришингизни, ранжитган кишингизнинг кўнглини олишингизни хоҳлагандир.

² Имом Бухорий (1053) ва Муслим (1469) ривояти.

Шояд, сизга етган дард ва касаллик-ка сабр қилганингиз ажр-мукофоти охиратга захира қилиб қўйилгандир.

Ёки ўз жонингизга зулм қилган бўлсангиз, шу ишингиздан қайтишингиз, хато-камчилигингизни ўнглаб олишин-гиз иРОДА қилингандир.

Бемор дўстим... Аллоҳга яхши гумонда бўлинг! Аллоҳ азза ва жалла ҳадиси қудсийда айтади: «*Бандам Мен ҳақимда қандай гумонда бўлса, Мен шундайман. Яхши гумон қилса ҳам ўзига, ёмон гумон қилса ҳам ўзига*»³.

Ҳар доим яхшиликни ўйланг, некбин бўлинг, Аллоҳга ишонинг. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Ҳечқиси йўқ, иншааллоҳ, яхши бўлиб кетасиз*», деб айтганларида, «*Унақага ўхшамайди, яхши бўлмасам керак*. Ёнди-

³ Ибн Ҳиббон (2394) саҳиҳ санад билан ривоят қилган.

раётган бу иситма мен қарияни олиб бориб гўрга тиқса керак»⁴, деган аъробий каби умидсизликка тушманг. Мудом Аллоҳнинг раҳматидан умидвор бўлинг, қазои қадарига рози бўлиб ҳаёт кечиринг.

Мусулмон киши касал бўлса, иншаллоҳ, битмас-туганмас ажр-савобларга эга бўлади. Шунинг учун соғлик чоғингизда қилиб юрган солиҳ амалларингизни касаллигингиз сабабли қила олмаётганингизга асло маҳзун бўлманг. Аллоҳ таоло деди: «**Аллоҳ ва Расулига иймон келтирган ҳамда Аллоҳнинг фарзларини адо этган зотлар учун охиратда битмас-туганмас ажру мукофотлар бор**» (Иншиқоқ, 25).

Мўминлар гарчи дунёда касаллик сабаб солиҳ амаллар қилишдан ожиз

⁴ Бухорий ривояти, 3616.

қолган бўлсалар-да, битмас-туганмас ва узлуксиз неъматлар ичидаги бўладилар. Имом Бухорий “Саҳиҳи”да келтиргандаги ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «Банда касал бўлиб қолса ёки сафарга чиқса, унга касал бўлишидан ёки сафарга чиқишидан олдин қилиб юрган амалларининг ажр-савобича ажр ёзилади»⁵.

Ўтган гуноҳларингизга чин тавба қилиб Аллоҳга қайтсангиз ва сизга етган дардга сабр қилсангиз, Аллоҳ таоло сизни яхши кўради. Буни Аллоҳ таолонинг Ўзи хабар берган: **«Аллоҳ сабр қилувчиларни яхши кўради»** (Оли Имрон, 146).

Бунга қўшимча, У сизга хушхабар ҳам берган, сиз уни рад қилиб қўйманг: **«Синов-имтиҳонларга сабр қилувчи**

⁵ Бухорий ривояти, 2996.

кишиларга хушхабар беринг» (Бақара, 155).

Аллоҳ сиз билан бирга әканини ҳам асло унутманг: **«Албатта Аллоҳ сабр қилувчилар билан биргадир»** (Бақара, 153).

Сизга гўзал мукофотлар – жаннатдаги олий мақомлар хозирлаб қўйилган: **«Раҳмон таолонинг суюкли бандалари сабр қилғанлари боис жаннатдаги энг олий даражалар билан мукофотланадилар. Улар жаннатда фаришталар томонидан салом ва олқишлиар билан қарши олинадилар»** (Фурқон, 75).

Сабр қилганингиз боис малоикалар ҳузурингизга кириб, сизга салом йўллашади: **«Малоикалар уларни жаннатга киргандари билан қутлаб, барча эшиклардан уларнинг олдига кирадилар: “Сабр қилганингиз сабабли сизларга салом бўлсин, сизлар учун охиратда-**

ги гўзал оқибат бўлмиш жаннат нақадар яхши!”, деб айтадилар» (Раъд, 24).

Шундай экан, сабр қилинг. Сабр қилишда Аллоҳдан мадад сўраб дуога қўл кўтаринг, ялиниб-ёлворинг. Зеро, Аллоҳ сабр бермаса, ҳаргиз сабр қила олмайсиз. Аллоҳ таоло әлчиси Муҳаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламга хитоб қилиб айтади: **«Эй Пайғамбар, сабр қилинг. Сабр қилишингиз фақат Аллоҳнинг тавфиқи билан бўлади»** (Наҳл, 127).

Ўтмишдаги солиҳ кишилар ҳаётига назар солинг. Уларга ҳам бало ва мусибатлар, камбағаллик ва касалликлар етган. Қолаверса, касаллик билан синалаётган ёлғиз сиз эмассиз, ахир. Бу Аллоҳ таолонинг илгариги халқларда ҳам жорий этган суннати, қонуниятидир. Синов-имтиҳонлар, баданга етадиган касаллик ва балолар ҳар хил бўлади.

Улар сабабли кимнингдир мартабаси юқори қилинса, кимнингдир гуноҳига каффорат бўлади ва яна кимларни Аллоҳ ҳидоятлашни истаган бўлса, касаллик сабабли ҳидоятга эришадилар.

Дардман дўстим, илгари ўтган солиҳ кишиларга етган мусибатларини эсга олинг. Аллоҳнинг пайғамбари Айюб алайҳиссалом қандай оғир касалликка дучор бўлдилар?! Аллоҳ таоло деди: **«Эсланг, Биз бандамиз Айюбни баданида оғир касаллик ва зиён-заҳмат билан имтиҳон қилдик. У аҳли оиласини, мол-мулкини, бола-чақасини йўқотди. Шунда ҳам савоб умидида сабр қилди. У Рабби азза ва жаллага нидо қилиб: “Эй Раббим, менга зиён-заҳмат етди, Сен раҳмиларнинг раҳмлироғисан, Ўзинг бу зиён-заҳматни мендан аритгин”, деб дуо қилди»** (Анбиё, 83).

Касаллик Айюб пайғамбарда ўн саккиз йил давом этди. Хотини ва амакисининг икки ўғлидан бошқа барча яқинлари юз ўгириб, ташлаб кетди.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу ривоят қилган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Касаллик Айюб алайҳиссаломда ўн саккиз йил давом этди. Бу орада узок-яқин қариндошлари ундан воз кечиб, ташлаб кетдилар. Фақат биродарларидан икки киши қолди. Улар унинг ҳузурига эрталаб келиб, кечқурун кетар эди. Уларнинг бири иккинчисига: “Биласанми, қасамки, Айюб одамзотдан ҳеч ким қилмаган гуноҳни қилган бўлса керак”, деб қолди. Шериги: “Нега ундаи деяпсан?” деб сўраган эди: “Мана, ўн саккиз йилдирки Аллоҳ унга раҳм қилмай, касалига шифо бермаяти”, деди. Шериги бу гапга чидаёлмай Айюб пайғамбар олдига келганида унга*

айтиб берди. Айюб алаиҳиссалом деди: “Нима деётганингни билмаяпман, лекин Аллоҳ таоло Ўзи билади, мен жанжалла-шаётганида Аллоҳнинг номини ўртага қўйиб қасам ичаётган икки киши олди-дан ўтиб қолсам, уйимга қайтгач, ноҳақ ўринда Аллоҳнинг номи зикр қилинган бўлишидан қўрқиб, уларнинг номидан каффорат тўлаб қўяр эдим”. Набий алаиҳиссалом айтдилар: “Айюб алаи-ҳиссалом ҳожатга чиққанида ҳожатдан фориғ бўлгач, хотини унинг қўлидан уш-лаб, етаклаб келарди. Бир куни ҳожат-дан қайтиши кечикиб кетди. Сабаби, Ал-лоҳ таоло Айюбга: “Оёғинг билан ерни теп. Муздек сув отилиб чиқади. Ундан ич ва ювин. Сендан барча зиён-захмат-лар кетгай” (Сод, 42), деб ваҳий қилган эди. Хотини сабрсизлик билан кутиб турагди ва ниҳоят у келди. Аллоҳ тао-ло ундаги барча касалликларни кетказ-

ган, аввалги ҳолидан ҳам гўзаллашган эди. Уни кўрган хотини (танимай): “Хой барака топгур, ҳалиги дардман пайғамбарни кўрмадингми? Ё тавба, сен унинг касал бўлмасдан олдинги ҳолатига қуийиб қўйгандек ўхшар экансан”, деган эди, Айюб пайғамбар: “Ҳа ўша пайғамбар менман”, деди. Айюбнинг бирига буғдой, яна бирига арпа экилган икки экинзори бор эди. Аллоҳ таоло уларга икки булатни юборди. Биринчи булат буғдойзори устидан тошиб кетгунча олтин ёғдирди. Иккинчи булат арпазори устидан тошиб кетгунча кумуш ёғдирди»⁶.

Айюб алайҳиссалом берилган синов-имтиҳонларга сабр қилиб, ажр умид қилгани учун Аллоҳ таоло ҳузурида шараф, ҳурмат ва эътибор қозонди:

⁶ Ибн Ҳиббон «Маворид аз-замъон»да (2091) келтирган, сахих ҳадис.

«Дарҳақиқат, Биз Айюбни балога сабрли эканини кўрдик. У нақадар яхши бандадир. У Аллоҳнинг тоатига кўп қайтувчи, тавба-инобат қилувчиидир» (Сод, 44).

Бу мақтов нақадар гўзал ва нақадар яхши! Мақтов бўлганда ҳам кимнинг мақтovi? Одамларнинг эмас, оламлар Парвардигорининг мақтovi! Шу каби биргина мақтовга сазовор бўлиш биз учун бор-будимиздан, ҳатто жонимиздан ҳам яхшидир.

Дардга сабрсиз бўлманг. Атрофдаги бошқа касалларга боқинг, уларга эътибор беринг. Айримларга етган бало сизнинг мусибатингиздан минг чандон кўп, уларнинг дарди олдида сизнинг дардингиз енгил, даволанишингиз осон. Шундай экан, нолиманг, балки Аллоҳга ҳамд айтинг, саломатлик ва офият сўранг.

СИНОВ-ИМТИҲОНЛАРНИНГ ФОЙДАЛАРИ

Бемор дўстим, хаста биродарим... Аллоҳ сабр берсин, мўл-кўл ажр-мукофотлар ато этсин. Мўмин кишига берилган ба-ло-мусибатлар, дард ва касалликларда улкан фойдалар борлигини унумтсанг. Хато-камчиликларнинг ўчирилиши, гуноҳ-маъсиятларга каффорат бўлиши шулар жумласидандир.

Ойша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: «*Мусулмонга етадиган ҳар қандай мусибат, ҳатто баданига санчилган бир тикан сабабли ҳам Аллоҳ унинг гуноҳларини ўчиради*»⁷.

Абу Саид Худрий ва Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳумодан ривоят қилина-

⁷ Бухорий (6540) ва Муслим (2572) ривояти.

ди, Расулллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Мусулмонга етадиган ҳар қандай қийинчилик, мاشаққат, касаллик, ғам-ташвиш, озорларни ва ҳатто баданига кирган бир тиканини ҳам Аллоҳ таоло унинг гуноҳларига каффорат қиласи*»⁸.

Каъб ибн Молик разияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадисда Расулллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: «*Мўмин киши шамолда гоҳ эглиб, гоҳ қаддини тиклаб оловчи навниҳолга ўхшайди, мунофиқ эса бир қаттиқ шамолдаёқ синиб кетувчи кедр дарахтига ўхшайди*»⁹.

Шунга ўхшаш ҳадис Абу Ҳурайра разияллоҳу анхудан ҳам ривоят қилинган, унда Расулллоҳ саллаллоҳу алай-

⁸ Бухорий (5641, 5642) ва Муслим (2573) ривояти.

⁹ Бухорий ривояти, 5643.

ҳи ва саллам: «Мўмин киши янги чиққан нуҳолга ўхшайди. Ҳар тарафдан эсган шамол уни эгиб-букса ҳам яна қаддини тиклаб, бало-офатларга бардош беради. Фожир эса маҳкам турган дарахтга ўхшайди, Аллоҳ истаган пайт уни синдириб ташлайди», деганлар¹⁰.

Демак, касалликлар ва бало-мусибатлар бир тарафдан яхшилик аломати экан. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Аллоҳ кимга яхшиликни ирода қилса, унга мусибат беради»¹¹.

Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу айтади: «Аллоҳ таолонинг: “Ким бир ёмон амал қилса, унинг жазосини олади” (Нисо, 123) ояти нозил бўлганда бу оят мусулмонларга оғир келди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва

¹⁰ Бухорий ривояти, 5644.

¹¹ Бухорий ривояти, 5645.

саллам ишни енгиллатиб дедилар: “*Ўртача, мўътадил бўлинглар, тўғриликни қасд қилинглар. Мусулмонга етган ҳар бир мусибат, ҳатто унинг бир бор қоқилиши ҳам, ё баданига тикан кириши ҳам гуноҳларига каффорат бўлади*”¹².

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Умму Соиб – ёки Умму Мусайибининг – олдига кириб: “*Сизга нима бўлди, эй Умму Соиб – ёки Умму Мусайиб, – титраяпсиз?*” дедилар. У: “Иситмам чиқяпти, даф бўлгур”, деди. Шунда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Иситмани сўкманг, у одамзотнинг гуноҳларини худди темирчининг босқони темир зангини кетказганидек кетказади*”, дедилар»¹³.

¹² Муслим ривояти, 2574.

¹³ Муслим ривояти, 2575.

Асвад раҳимаҳуллоҳ айтади: «Ойша разияллоҳу анҳо Минода эканида қурайшлик бир неча йигитлар кулган ҳолда унинг ҳузурига кирдилар. Ойша разияллоҳу анҳо: “Нимага куляypsизлар?” деб сўради. Улар: “Фалончи чодир арқонига қоқилиб, йиқилиб тушди, бўйни синишига сал қолди”, дейишиди. Шунда Ойша разияллоҳу анҳо танбех берид: “Кулманглар! Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деб айтганларини эшитганман: *«Мусулмон кишининг баданига бирон тикан кирадими, ё ундан каттароқ озор етадими, бу билан унинг мартабаси ошади ва гуноҳлари ўчирилади»*”, деди»¹⁴.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо ривоят қиласи: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал ёт-

¹⁴ Муслим ривояти, 2572.

ган бир аъробийни кўргани кирдилар. У зот касал кўргани кирсалар, одатда: “Ҳечқиси йўқ, инишааллоҳ яхши бўлиб кетасиз”, дердилар. Аъробийга ҳам шундай деган эдилар, у: “Яхши бўлиб кетасиз, дейсизми? Йўқ, ундан эмас, ёндираётган бу иситма мен қарияни гўрга олиб бориб тикса керак”, деди. Расуллурроҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Майли унда*, (сиз айтганча бўлақолсин)” дедилар»¹⁵.

Абдуллоҳ, ибн Масъуд разияллоҳу анҳу деди: «Расуллурроҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлиб ётгандарида кўргани кирдим. Қаттиқ иситмалаб ётган эканлар. Мен: “Иситмангиз анча баланд”, дедим. У зот: “Ҳа, мен сизлардан икки баробар кўп иситмалайман”, дедилар. Мен: “Бунинг учун сизга

¹⁵ Бухорий ривояти, 5656.

икки баробар ажр бўлади, шундайми?” дедим. Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳа шундай, қай бир мусулмонга бирон азият етса, Аллоҳ таоло шу азият сабабли унинг гуноҳларини дараҳтнинг барги тўкилганидек тўкиб ташлайди”, дедилар»¹⁶.

Ойша разияллоҳу анҳо айтади: «Бирон кишини Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлганлариdek қаттиқ касал бўлганини кўрмадим»¹⁷.

Анас ибн Молик разияллоҳу анҳу айтади: «Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: “Аллоҳ таоло деди: «Бандами икки кўзи билан (яъни уларни кўр қилиш билан) мусибатласам ва у сабр қилса, эвазига жаннатни бераман»»¹⁸.

¹⁶ Бухорий (5647) ва Муслим (2571) ривояти.

¹⁷ Бухорий (5646) ва Муслим (2570) ривояти.

¹⁸ Бухорий ривояти, 5653.

Ато ибн Абу Рабоҳ деди: «Менга Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анхұмo: “Сенға жаннат аҳлидан бўлган бир аёлни кўрсатайми?” деди. Мен: “Ха, албатта, кўрсатинг”, дедим. У деди: “Хов анави қоратанли аёлни кўряпсанми, шу аёл Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: «Менинг тутқаноқ касалим бор. Касалим қўзғаганда ўзимни билмай қолиб, авратларим очилиб қолади. (Шифо сўраб) ҳаққимга дуо қилсангиз», деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: *«Хоҳласанг сабр қил, эвазига жаннат бўлади. Хоҳласанг Аллоҳдан сенға шифо беришини сўраб дуо қиламан»*, дедилар. Аёл: «Сабр қиламан. Фақат, дуо қилинг, авратларим очилиб қолмасин», деган эди, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилдилар”»¹⁹.

¹⁹ Бухорий (5652) ва Муслим (2576) ривояти.

Маҳмуд ибн Лабид разияллоҳу анҳу деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: *“Беморларингиз соғлиғидан хавотир олиб, (зарарли) емак-ичмакдан асраб-авайлаганингиз каби, Аллоҳ таоло мўмин бандасини яхши кўргани боис уни дунёдан ҳимоя қилиб асрайди”*»²⁰.

Айни санад билан келган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: *«Аллоҳ таоло бир қавмини яхши кўрса, уларни имтиҳонга солади. Ким (балога) рози бўлса, унга розилик, ким ғазабланса, унга ғазаб бўлади»*²¹.

Буни шундай тушуниш лозим: Аллоҳ таоло яхши кўрадиган кишиларга бало-мусибат берса, фазли-марҳамати билан сабр ҳам беради ва уларнинг мартабалари юқори бўлади.

²⁰ Аҳмад ривояти, 5/427.

²¹ Аввалги манба.

Айримларга эса гуноҳлари боис мусибат-бало тушади. Аллоҳ таоло денгиз яқинида жойлашган қишлоқ аҳли ҳақида шундай деган: «**Биз шанба кунида сув юзини тўлдириб балиқларни келтириш, эртаси балиқларни ғойиб қилиш билан уларни имтиҳон қилганимиздек, фосиқликлари – Аллоҳнинг тоатидан чиқишлари сабабли уларни ана шундай имтиҳонларга дучор қила-миз**» (Аъроф, 163).

Бир сўз билан айтганда, киши агар Аллоҳнинг китоби ва Расулининг суннатига амал қилувчи солиҳ бўлса ва унга бало-мусибатлар етса, билингки, бу Аллоҳ уни яхши кўрганидандир. Қуръон ва суннатдан юз ўгирган кимсага етган бало-офатлар эса унга жазо ўла-роқ тушган бўлади. Аллоҳ таоло деди: «**Эй одамлар, сизларга динингиз ёки дунёйингизда қай бир мусибат етган**

**бўлса, ўзингиз қилган гуноҳу маъсият-
ларингиз сабабли етади» (Шўро, 30).**

Бошқа оятда эса: «**Аллоҳ таоло
Макка шаҳрини зарбулмасал қилиб
келтирди. Бу шаҳар тажовузлардан
омонда, танг-тор ҳаётдан хотиржам-
ликда эди, ризқи ҳар тарафдан осон-
қулай келарди. Сўнг бу шаҳар ахли
Аллоҳнинг неъматларига нонкўрлик
қилдилар. Унга ширк келтирдилар,
неъматларнинг шукрини адo этмади-
лар. Шундан сўнг Аллоҳ уларни очлик
 билан ҳамда Пайғамбар саллаллоҳу
алайҳи ва саллам тарафларидан юбо-
рилган ва улар қалбига қўрқув солув-
чи лашкарлардан иборат қўрқув билан
жазолади. Бунга эса уларнинг куфрла-
ри ва ботил қилмишлари сабаб бўлди»**
(Наҳл, 112).

Бемор дўстим, хаста биродарим!
Эҳтимол, сизга етган бу дард, бошин-

гизга тушган бу мусибат сизни туғёндан ва исёндан түсиб қолгандир. Ҳаққа қайтиб, ҳидоятда собит қолишингизга сабаб бўлгандир. Айрим ҳолларда давомий оғиятда бўлиш ва неъматларнинг ёғилиб келиши кишини ўз ҳаддини билмай қолишига, туғёнга кетиб қолишига олиб боради. Аллоҳ таоло деди: «**Дарҳақиқат, инсон ўзини бой-беҳожат санаган, бойлик қутуртириб, ҳаддан оширган пайтда Аллоҳнинг белгилаб қўйган ҳад-ҳудудларига тажовуз қиласди**» (Алақ, 6-7). Яъни инсон ўзини бошқалардан беҳожат кўргач, уларга зулму тажовуз қилишни бошлайди.

Бошқа оятда эса: «**Биз одамзотга мол-дунё, сиҳат-саломатлик каби неъматларни инъом этсак, неъматларга шукр қилишдан юз ўгиради ва Раббига тоат-ибодат қилишдан узоқ бўлади**» (ИсроК, 83), деб хабар берган.

Зумар сурасининг 49-оятида: «**Қа-
чон Биз инсондан бошига етган муси-
батларни аритсак ва унга яна Ўз неъ-
матларимизни берсак, у яна Раббиға
коғир ва Унинг фазлу марҳаматларини
инкор қилувчи ҳолига қайтади**», дейди.

Шўро сурасининг 27-оятида: «**Агар
Аллоҳ бандаларининг ризқларини
кенг-мўл қилиб қўйганида, улар кибру
ҳавога берилиб ҳаддиларидан ошган
ва бир-бирларига зулму тажовуз қил-
ган бўлар эдилар**», деб айтган.

Аллоҳ таоло аҳли китоблар ҳақида
айтган: «... **муддат узайгач, қалблари
қотиб кетди**» (Ҳадид, 16).

Айрим уламолар оятдаги «муддат
узайгач» деган иборадан муород – неъ-
матга чўмган вақтлари узайгач, узок
вақт неъмат ичида, сиҳат-саломат,
бой-бадавлат бўлиб яшаб қалбра-
ри қотиб қолди, Аллоҳни эсларидан

чиқардилар, зикр ва дуони унудилар, Аллоҳдан сўраш, Ундан умид қилишдан ғафлатда қолдилар, деб айган бўлсалар, айримлари: «Узоқ вақт панд-насиҳат ва маъруза эшиitmай қолдилар», деб айтганлар. Аллоҳ таоло деди: **«Биз қай бир шаҳар аҳлига пайғамбар юборган бўлсак ва қавми уни ёлғончига чиқарган бўлса, албатта уларни қашшоқлик ва мусибатларга мубтало қилдик, баданларини дарду касалликлар, молларини йўқотиш билан мусибатладик»** (Аъроф, 94).

Мусибат ва касалликлар ортидаги ҳикматлардан яна бири шуки, мўмин кишига бирон мусибат ёки касаллик етса, Аллоҳ таолога ялиниб-ёлворади, барча қилмишларига тавба қилиб, Аллоҳга тоат-ибодат билан бўйин эгиб қайтади. Айтингчи, бундай ҳол сиз учун яхшими, ё ёмонми?!

Ҳар гал «Аллоҳим, бошимга туш-
ган бу мусибатларни арит, менга оғият
бер», деб дуо қилганингизда сизга са-
воб ёзилаверади.

Шунда, мабодо шифо кечиккан
тақдирда ҳам, дуо ибодат бўлгани
учун, ўқиган намозингиз ва тутган рў-
зангизга савоб олганингиз каби, қил-
ган дуоларингиз учун ҳам савоб ола-
сиз. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва
саллам айтганлар: *«Дуо айни ибодат-
дир»*²². Шундай экан, қайғурманг, сабр
қилинг!

Мени маъзур тутасиз, хафа бўлмай-
сиз, очиғини айтаман, сўзим фақатгина
насиҳат бобидан, тўғри қабул қилинг,
эй хаста биродарим! Бало-мусибатлар
баъзан мартабани юксалтириш учун
келганидек, гоҳида қилган гуноҳин-

²² Термизий ривояти, 9/544.

гиз, бирөвга ўтказган зулмингиз учун Аллоҳ тарафидан жазо сифатида ҳам бўлади.

Мисол учун, мусулмон киши вабодан вафот этса шаҳид саналади. Демак, вабо мусулмонни шаҳидлик мақомига етказган бўлса, баъзи бир қавмлар учун жазо-уқубат бўлиши ҳам мумкин. Масалан, Аллоҳ таоло вабони Бани Исроилга жазо қилиб юборган.

Иймон эгалари уларга етган мусибатлардан ҳамма вақт тўғри фойдалана олганлар. Бирон хато ё камчиликка йўл қўйган бўлсалар, мусибатлар ушбу хато-камчиликларига каффорат бўлади деб, қилган ишларига истиғфор айтадилар.

Аллоҳ азза ва жаллага тоат-ибодатда бардавом бўлиб турганларида бало-мусибат етадиган бўлса, бу уларнинг сабрлари ва иймонлари қуввати-

ни синаш ҳамда мартабаларини юқори қилиш учун эканини биладилар.

Юқорида ўтганидек, бало-мусибатлар кўп ҳолларда гуноҳлар сабабли келишини мўминлар биладилар. Аллоҳ таоло деди: «**Сизларга динингиз ёки дунёйингизда қандайдир бир мусибат етган бўлса, ўзингиз қилган гуноҳ-маъсиятингиз сабабли етади. Раббингиз кўп гуноҳларингизни авф қиласди**» (Шўро, 30).

Шунингдек мол-дунё, бола-чақа ва баданга етадиган бало-офтларнинг сабаби аксар ҳолларда маъсият, исён ва Аллоҳнинг амрларидан бўйин товлаш бўлади. Буларнинг бари Аллоҳнинг изни билан истиғфор, тавба-тазарру ва дуо билан кўтарилади. Аллоҳ таоло деди: «**Модомики улар гуноҳларига истиғфор айтишар экан, Аллоҳ уларни азобловчи эмасдир**» (Анфол, 33).

Үзларидан содир бўлган гуноҳ-маъсиятга тавба-тазарру қиласадилар, тоат-ибодат билан Аллоҳга қайтиб, кўп истиғфор айтадилар, ана шундан кейин бошларига тушган балоларни Аллоҳ аритади.

Гоҳида бандаларни ҳақ йўлга қайтариш учун ҳам бало-мусибатлар келиши мумкин. Бунга далил: «**Дарҳақиқат, Биз уларни турли-туман мусибатлар билан имтиҳон қилдик. Улар Раббилариға бўйин эгмадилар. Бошларига мусибат келганда Раббилариға тазарру қилиб, дуо қилмадилар**» (Мўъминун, 76).

Бироқ қалбига муҳр урилган бадбахт кимсалар бундан фойда олмайди. Аллоҳ таоло айтади: «**Уларга Бизнинг баломиз келган пайтда улар Бизга тавба тазарру қилсалар эди!! Лекин уларнинг диллари қотиб кетган, қилаётган маъсият ва ширк амалларини шайтон**

уларга чиройли кўрсатиб қўйган эди»
(Анъом, 43).

Балолар бандаларни ҳақ йўлга қайтариш учун ҳам келишига яна бир далил: «**Шояд, улар Аллоҳнинг тоат-ибодатига қайтсалар, деб уларни турли-туман азоблар билан балоладик**» (Зухруф, 48).

Бу каби кўпгина оятлар шуни кўрсатадики, кўпинча бало-мусибатлар одамларни ҳаққа қайтариш, тўғри йўлга солиш учун келади. **«Шояд, тавба-тазарру қилсалар», «Шояд, тоат-ибодатга қайтсалар», «Шояд, Аллоҳнинг неъматларини ёдда тутсалар»** деган оятлар буни яққол кўрсатиб турибди. Лекин буни билган билади, фойдаланган фойдаланиб қолади. Аллоҳ Ўзи истаган ишини қилади, У иймон аҳлини ҳидоят қилиб, куфр ва туғён аҳлини ҳидоятдан маҳрум этади.

Бало-мусибатларнинг фойдаларидан яна бири шуки, улар туфайли кўпинча унутиб, шукрини адо қила олмаганингиз Аллоҳнинг неъматларини эслайсиз.

Кўзда бир муаммо пайдо бўлиб, кўришга халақит бермагунича кўзнинг нақадар буюк неъмат эканини камчилик одам ҳис қиласди.

Ёки қулоқ неъматини инсон қулоғи оғирлашиб, яхши эшитмай қолганда ҳис қиласди.

Икки оёқ Аллоҳнинг катта неъмати эканини улардан бири синиб қолганда ҳис қилинади.

Фарзанд неъматини тирноқقا зордан сўранг. Аллоҳ берган бу неъмат қадрига кўпчилик етмайди.

Сочи билан фахрланиб юрадиган соҳибжамол аёл Аллоҳ ато этган қалин ва чиройли соchlари тўкила бошлагач,

бу неъматни ҳис қилиб, ана шундагина Парвардигорига дуо-илтижо қилиб, бу офатни аритишини сўраб қолади.

Инсон Аллоҳ таолонинг қуидаги сўзлари моҳиятини ҳар доим ҳам ҳис қилавермайди: **«Биз уларни яратдик ва барча аъзоларини пишиқ-пухта қилдик»** (Инсон, 28).

Яъни инсон хилқатини, унинг ҳар бир мускул ва мушакларини пишиқ қилдик. Инсон бу гапнинг маъносини қачон тўла ҳис қила олади? Қачон орқасидан келаётган елни ушлаб қолишга қодир бўлмаса, ё бурнидан оқаётан қон тўхтамаса, ё сийдигини тута олмаса, ё бурни доим оқиб турса... Шундагина Аллоҳ таолонинг одамзотга бўлган фазл-марҳаматини англаб етади: **«... ва барча аъзоларини пишиқ-пухта қилдик»** (Инсон, 28).

Бало-мусибатлар фойдаларидан яна бири шуки, мусибат келган инсоннинг қалби юмшайди ва бошқа мусибатзада инсонлар ҳолини ҳис қиласди. Аллоҳ таоло Қуръони каримда бундай марҳамат қилган: **«Иймон келтирган кишилар учун диллари юмашаш фурсати етмадими? Муддат узайгач, қалблари қотиб кетган, илгари ўтган аҳли китобларга ўхшаб қолмаслик фурсати келмадими?»** (Ҳадид, 16).

Аллоҳ таолонинг: **«Муддат узайгач...»** сўзини уламолар икки хил тафсир қилганлар.

Биринчиси: уларга неъматлар ва оғиятлар ичида яшаш муддати узайиб кетди. Шундай бўлгач, қалблари қотиб, қўллари дуо учун кўтариilmай қолди. Бало-мусибатни аритиш, касалликдан оғият тилаш ва бошқалар дардига ғам чекиши каби ишлардан узоқлашдилар.

Қалб қотса, инсон биродарининг мусибатини ҳис қилмайди. Оёғи синган кишининг дардини бошидан ўтказганина билади, ҳис қила олади.

Иккинчиси: панд-насиҳат ва маърузалар эшитишдан узоклашдилар. Неъматлар мўл-кўл, офият давомли бўлса, одам фикр юритмай қўяди, балки зулм ва туғёнда давом этади.

Аммо мусибатланган ё дардманда кишилар доим Парвардигордан офият ва шифо сўрайдилар. Аллоҳ таоло бошлирига тушган дардни аритиши учун Унга яқин қиласидиган ишларни излаб юрадилар. Аллоҳ таоло пайғамбарлар ҳақида: «**Шубҳасиз, улар ҳар бир яхши ишга ошиқар, ҳузуримиздаги ажру савобларга рағбат қилиб ва азобимиздан қўрқиб Бизга дуо қилар, хокисорлик илиа Бизга бўйсуниб, таъзим қилар эдилар**» (Анбиё, 90), дейди.

Демак, синов ва мусибатлар бизни мусибатзада, яъни бошига мусибат тушган ва дардман кишилар ҳолини ҳис қилиш, уларга ҳамдард бўлиш, меҳри-бонлик кўрсатиш ва ёрдам қилиш каби яхшиликларга ундар экан.

Синов-имтиҳонларнинг фойдалари-дан яна бири шуки, бошга мусибат тушганда дўст-дushmanни ажратиб оласиз.

Вафодор дўст билан бевафони кенгчилик пайтида билиш қийин, аммо бошингизга мусибат тушса, садоқатли дўстингиз ёнингизда бўлади. Қўлидан келган барча чорани ва бор имкониятини ишлатиб сизга ёрдам бериш ва қийин ҳолатингиздан қутқариш ҳарачатида бўлади. Чиқиш йўлларини ахтаради. Сизга ҳамдард бўлади, қалби юмшаб, сизга раҳми келиб, кўзларидан ёш тўкади. Мусибатингиз тезда аришини умид қилади.

Бошга иш тушганда садоқатли дўстлар ажралади. Бири: «Бизга нима хизмат?» деса, бошқаси сизга хайриҳоҳ эканини намоён қиласи. Хизматга ўғлини юборадиган, таниш-билишларини ишга соладиганлар чиқади. Ўзи қодир бўлмаса, Аллоҳнинг изни билан ташвишингизни аритиш қўлидан келадиганларга сизни йўллайди. Хуллас, вафодор дўстлар елиб-югурдилар, мусибатни аритишини сўраб Аллоҳга дуо-илтижолар қиласидар.

Айни дамда ичи қора «дўстингиз» эса сизни юпатмоқчи бўлса-да, ичида хурсандлигини юзи «сотиб» қўяди. Сизга нисбатан ичида адовати бўлганлар бошингизга тушган мусибатдан шодлигини ўтиришларда ошкор қиласи. Одам суратидаги чиябўрилар мусулмонлар орасида бузукликлар ёйилишини истайди. Қутурган итдек ташла-

ниб, мусулмонлар обрўсини тўкишга ҳарис бўлади. Мусулмонларни ғийбат қилиб, гўштларини чайнаб, уларга тухмату бўхтонлар ёғдириб, қоринларини ўлакса билан тўлдиради. Бошингизга иш тушмасдан олдин бундайлар сизга хайриҳоҳ бўлиб кўринади, сиздан фойда топмагач, ичидаги фужурини чиқариб, таъна тошларини ота бошлайди.

Ҳамма вақт ҳам шундай бўлиб келган, бошингизга мусибат тушганида атрофингиздаги инсонлар сараланади.

Фазилат эгаларини, вафодор дўстларни ғанимат билинг, сухбатларидан баҳра олинг. Садоқатсиз, сохта дўстлардан ҳазир бўлинг! Аллоҳ таоло деди: **«Аллоҳ нопокни покдан ажратиши учун...»** (Анфол, 37).

Ёру дўстлар ва биродарларга қайта назар солинг. Лойиқ бўлганларни ўзингизга яқин туting, ўзингиз ҳам

уларга яқынлашинг. Қилған хизматла-ри, яхшиликлари, маслаҳат ва насиҳат-лари учун миннатдорчилик билдиринг, розилик сўранг!

Нолойиқларини ўзингиздан узок-қилинг, ўзингиз ҳам ундейлардан узок-лашинг. Ҳазир бўлинг!

Уларга қўшилиб, сиз ҳақингизда ножўя гаплар айтган ва хатосини анг-лаб, узр сўраган кишилар узрини қабул қилинг, кечиринг.

Мусибат етган, бало-офатга учра-ган кишилар сабр қилиб, бошларига тушган бу синов-имтиҳонларга Аллоҳ-дан ажр умид қилсалар, уларга бери-лажак ажр-мукофотларга бир назар солайлик:

Аллоҳ таоло деди: «Эй Пайғамбар, синов-имтиҳонларга сабр қилувчи кишиларга дунё ва охиратда уларни хур-санд қилувчи ва дилларига сурур баҳш

этувчи гўзал оқибатлар билан хушхабар беринг. У собир зотларнинг белгилари шундайки, агар уларга бирор мусибат етса: “Албатта биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз (қайта тирилиб) Унинг ҳузурига қайтувчимиз”, дейдилар. Улар учун Раббиларидан мақтов ва улуғ раҳмат бордир ва ўшалар тўғриликка йўлланган кишилардир» (Бақара, 155-157).

Мўминлар амири Умар ибн Хаттоб разияллоҳу анҳу Аллоҳ таолонинг: «**У собир зотлар учун Раббиларидан мақтов ва улуғ раҳмат бордир ва ўшалар тўғриликка йўлланган кишилардир**» (Бақара, 155), ояти ҳақида: «Нақадар гўзал бадалга нақадар гўзал мукофот!» деган. Яъни мусибат етган кишилар: «Албатта биз Аллоҳнинг бандаларимиз ва албатта биз Унинг ҳузурига қайтувчимиз», деган сўzlари бадалига

Аллоҳ таоло Ўзи тарафидан «мақтова улуғ раҳмат» берди, қўшимчасига: «ўшалар тўғриликка йўлланган кишилардир», деб мукофотлади.

Имом Аҳмад ва Абу Довуд ривоят қилган ҳадисда Ойша разияллоҳу анҳо айтади: «(Асиralар ичида бўлган) Жувайрия бинти Ҳорис ибн Мусталиқнинг чеки қуръада Собит ибн Қайс ибн Шаммосга ёки унинг амакиваччасига тушган эди. Жувайрия ўзини озод қилиш тўғрисида у билан битим тузди. У кўзга яқин малоҳатли аёл эди. У тузган битими ҳақида сўраш учун Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келди. Эшик олдида кўрганимда унинг келганини хуш кўрмадим ва мен кўрган малоҳатни Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳам илғашларини сездим. Жувайрия деди: “Эй Расулуллоҳ, мен Жувайрия бинти

Ҳорисман. Ҳолатим ўзингизга маълум. Чеким Собит ибн Қайс ибн Шаммосга тушди. Ўзимни озод қилиш тўғрисида у билан битим туздим ва сиздан шу ҳақда сўрагани келдим”, деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Жувайрияга: “*Бундан ҳам яхшироғини истайсанми?*” дедилар. У: “Нима экан у, эй Расулуллоҳ?” деб сўраган эди, Расулуллоҳ: “*Озод қилиш ҳақидаги битимингни адo этиб, сенга уйланаман*”, дедилар. Жувайрия рози бўлди». Ойша разијаллоҳу анҳо сўзида давом этиб деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг Жувайрияга уйланганлари хабари мусулмонларга етгач, улар: “Энди булар Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хотин томонидан қариндошлари”, деб, қўлларидаги асирларни озод қилиб юбордилар. Жувайриядек ўз қавмига баракоти кўп бўлган аёлни

кўрмадик. У туфайли Бани Мусталиқ аҳлидан юз оила озод қилинди»²³.

Баданига шикаст етган мусибат-задалар ва касалларга назар солинг. Касаллик ва бало-офат уларнинг хато-камчиликлари ва гуноҳларини ювиб юборади. Шу маънога далолат қилувчи ҳадислар юқорида ўтди.

Имом Термизий келтирган ҳасан ҳадисда Абу Ҳурайра разияллоҳу анҳу деди: «*Мўмин эркак ва мўмина аёлнинг ўзига, фарзандига ва мол-мулкига бало-офат етаверади-етаверади, ҳатто у Аллоҳга ҳеч қандай гуноҳсиз ҳолда йўлиқади*»²⁴.

Кўзи ожиз кишини олайлик, агар у бир кўзи ёки иккала кўзи кўрмаслигига сабр қилса ва Аллоҳдан ажр умид қил-

²³ Абу Довуд (3931) ва Аҳмад (26365) ривояти, саҳиҳ ҳадис.

²⁴ Термизий (2399) ва Аҳмад (7859) ривояти.

са, эвазига Аллоҳ таоло жаннатни бे-ради. Расууллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «*(Аллоҳ таоло деди: “Бандамнинг икки кўзини кўр қилиш билан имтиҳон қилсам, у сабр қилса, эвазига жаннатни бераман”*»²⁵.

Тутқаноқ касалига мубтало бўлган ва сабр қилиб, Аллоҳдан ажр умид қилган кишининг савоби ҳақида:

Ато ибн Абу Рабоҳ раҳимаҳуллоҳ айтди, Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо: «Сенга жаннат аҳлидан бўлган аёлни кўрсатайми?» деди. Мен: «Ҳа албатта, кўрсатинг» дедим. Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо: «Ҳов анави қора танли аёлни кўряпсанми, шу аёл Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Менинг тутқаноқ касалим бор. Касалим қўзға-

²⁵ Бухорий ривояти, 5653.

ганда ўзимни билмай қолиб, авратларим очилиб қолади. (Аллоҳдан шифо сўраб) ҳаққимга дуо қилсангиз”, деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Хоҳласанг сабр қил, эвазига жаннат бўлади. Хоҳласанг Аллоҳдан сенга шифо беришни сўраб дуо қиласман”, дедилар. Аёл: “Сабр қиласман. Фақат авратларим очилиб қолмаслигини сўраб дуо қилинг”, деган эди, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дуо қилдилар»²⁶.

Хаста биродарим, bemor дўстим, Аллоҳнинг раҳматидан умидни узманг, асло ноумид бўлманг! Сабр қилинг, тинмай дуо қилинг, ялининг, ёлворинг, кўз очиб юмгунча ҳам умидсиз қолманг. Аллоҳ таоло деди: «Йўлдан адашган гумроҳ кимсалардан бошқа ким

²⁶ Бухорий (5652) ва Муслим (2576) ривояти.

ҳам Парвардигорининг раҳматидан ноумид бўларди?!» (Ҳижр, 56).

«Зеро, Аллоҳнинг раҳматидан фақат Унинг қудратини инкор қилган ва кофир бўлган кимсаларгина умид узгайлар» (Юсуф. 87).

Сабрсиз бўлманг, қайғурманг. Аллоҳнинг изни билан бало-мусибатлар бартараф бўлиб кетади, иншааллоҳ. Аллоҳ таоло деди: **«Бас, албатта ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга енгиллик ҳам бордир. Албатта, ҳар бир оғирлик-машаққат билан бирга енгиллик ҳам бордир»** (Шарҳ, 5-6). Бир оғирлик икки енгилликтан ғолиб кела олмайди.

Дуони тўхтатманг, тинмай дуо қилинг! Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Модомики (ижобатига) шошмас экан, сизлардан бирингизнинг дуоси албатта ижобат бўлади.**

Раббимга дуо қилдим, ижобат этмади, дейди»²⁷.

Бошқа бир ривоятда: «Эй Расулуллох, шошиш нима, қандай шошади?» деб айтилганида, Расулуллох саллаллоху алайҳи ва саллам: «*Дуо қилдим, дуо қилдим, ижобат бўлганини кўрмадим*, дейди. Шундан сўнг малолланиб, дуо қилмай қўяди» дедилар²⁸.

Сизга азиз биродарим, Аллоҳтаолонинг қўйидаги сўзини эслатиб ўтаман: «**Дарҳақиқат, инсон бесабр, бетоқат қилиб яратилган. Қачон унга ёмонлик, машаққат етиб қолса, бесабрлик қилиб жазавага тушади. Қачон унга яхшилик етса, ўта ман қилувчи баҳил бўлиб қолади. Фақат намозларини ўз вақтида, тўла-тўкис адо этадиган намозхонлар бундай эмаслар**» (Маориж, 19-23).

²⁷ Бухорий ривояти, 6340.

²⁸ Муслим ривояти, 2735.

Сабрсиз, бетоқат бўлманг. Жазава-га тушманг. Сабр ва намоз билан ма-дадланинг. Ҳар бир хабарнинг қарор топадиган ўрни ва етиб борадиган ниҳояси бор. Биз яшаб турган дунё ҳам тугаб, ниҳоясига етади. Шундай экан, бало-мусибатларга сабрли бўлинг, бу синовлардан ёруғ юз билан чиқишга ҳаракат қилинг!

Билингки, барча зарарни даф қи-лувчи Аллоҳдир!

Шифо Аллоҳнинг қўлида, ҳар қан-дай дардга шифо берувчи Аллоҳ, деб қатъий эътиқод қилиш ва шунга тўла ишониш зарур.

Бунга далил Аллоҳ таолонинг ушбу сўзиидир: **«Эй инсон, агар Аллоҳ сени фақирлик, касаллик каби сен учун зарарли бўлган бирор нарсага мубтало қилса, бу нарсаларни Унинг ўзидан бошқа аритувчи йўқдир»** (Анъом, 17).

Иброҳим алайҳиссалом тиллари-дан айтилган қуидаги оят ҳам бунга далилдир: «**Касал бўлсам шифо берадиган Аллоҳдир**» (Шуаро, 80).

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дуо қиласар эдилар: «*Эй Аллоҳ, эй инсонлар Парвардигори, эй оғирликни кетказувчи Зот, шифо берувчи фақат Сенсан, Ўзинг шифо бер. Сендан бошқа шифо берувчи йўқ. Касалликни қолдирмайдиган комил шифо бер*²⁹.

«*Эй инсонлар Парвардигори, оғриқни кетказ, шифо Сенинг қўлингдадир. Дардни оловчич ёлғиз Сенсан*³⁰.

Шифо Аллоҳнинг қўлида экан, уз-луксиз Аллоҳдан шифо тилаб ялининг, ёлворинг. Аллоҳ таоло деди: «(Бутларга ибодат қилиш яхшими) **ёки бошига иш тушган одамнинг дуосини ижобат қи-**

²⁹ Бухорий ривояти, 5743.

³⁰ Бухорий ривояти, 5744.

ладиган, балоларни аритадиган ва сизларни ерда ўзингиздан илгари яшаб ўтганларга ўринбосар қилиб қўядиган Зотга ибодат қилиш яхими? Аллоҳ билан бирга яна бошқа бирон маъбуд борми? Сизлар камдан-кам насиҳатла-насизлар» (Намл, 62).

Бемор дўстим, даволанинг, ноумид бўлманг. Зиммангизда жонингизнинг ҳам ҳаққи бор, Аллоҳнинг ҳам ҳаққи бор, аҳли-аёлингизнинг ҳам ҳаққи бор, меҳмоннинг ҳам ҳаққи бор. Касаллик ана шу ҳақларни ўташга йўл қўймаётган бўлса, даволанишингиз шарт бўлади. Ҳақ-ҳуқуқларни адo этишга халақит қилмайдиган касалликда эса, шарт-шароитга қараб иш юритса бўлаверади.

Аллоҳ таоло сабр қилувчиларга ажр-мукофотларини чексиз қилиб беради. Таваккал қилувчилар барча ишларида ёлғиз Аллоҳгагина суюнсинлар.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «Ҳар қандай дарднинг давоси бор. Агар дарднинг давоси тўғри топилса, Аллоҳнинг изни билан соғайиб кетади»³¹.

Имом Муслим келтирган бошқа бир ҳадисда: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Убай ибн Каъб разияллоҳу анҳуга табиб юбордилар. Табиб унинг томирини кесиб, сўнг уни (томирини) куйдирди», дейилади³².

Куйдирли даволашга фақатгина ундан бошқа услубда даволаш имкони қолмаганда рухсат берилади. Мўминлар онаси Умму Салама разияллоҳу анҳо Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан ҳижома қилдиришга изн сўраганларида Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Тойбага онамиз-

³¹ Муслим ривояти, 2204.

³² Муслим ривояти, 2207.

ни хижома қилиб қўйишни амр этдилар³³. Абу Тойба Умму Салама онамизнинг маҳрамларидан эди.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: «*Аллоҳ таоло қандай дард туширган бўлса, унинг шифосини ҳам туширган*»³⁴.

Хаста биродарим, имкони борича авратингизни сатр қилишга ҳарис бўлинг. Заруратсиз авратингизни очманг, фақат табиб кўрмаса бўлмайдиган ерлар бундан мустаснодир. Аллоҳ таоло айтган: «**Эй Одам болалари, Биз сизларга авратингизни беркитишингиз учун зарурий либосни туширдик. Тақво либоси энг яхши либосдир**» (Аъроф, 26).

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Эркак эркакнинг авратига, аёл*

³³ Муслим ривояти, 2206.

³⁴ Бухорий ривояти, 5678.

аёлнинг авратига қарамасин», деган-лар³⁵.

Яна «Хотининг ва қўл остингда-ги чўридан бошқа бирорга авратингни кўрсатма, уни яшир», деб айтганлар³⁶.

Қуръон билан даволанишни ҳам унутманг!

Аллоҳ азза ва жалла деди: «**Биз Қуръондан** (қалб ва баданга) **шифо берадиган ва мўминлар учун раҳмат бўладиган оятларни нозил қилдик» (Исро, 82).**

«Эй Пайғамбар, сиз уларга айтинг: Бу Қуръон мўминлар учун ҳидоят ва шифодир» (Фуссилат, 44).

Қуръонни ўқиб, ўзингизга дам солинг, хусусан «Муаввизот» («Ихлос», «Фалақ» ва «Нос») сураларини ўқинг. Мўминлар онаси Ойша разияллоҳу

³⁵ Муслим ривояти, 338.

³⁶ Абу Довуд ривояти, 4017.

анҳо дедилар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлиб қолсалар, «Муаввизотни» ўқиб, қўлларига туф-туф қилиб, баданларига суртар эдилар»³⁷.

Имом Муслим келтирган ҳадисда: «Усмон ибн Абу Ос Сақафий Исломга келгандан бери уни безовта қилаётган оғриқдан шикоят қилганида Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай дедилар: *“Оғриётган аъзойинг устига қўлингни қўйиб уч бор: «Бисмиллаҳ» (Аллоҳ номи билан) ва етти марта: «Аъзу биллаҳи ва қудратиҳи мин шарри маа ажиду ва уҳазиру»* (Аллоҳдан ва Унинг қудратидан мен топаётган ва қўрқаётган оғриқнинг ёмонлигидан па-ноҳ тилайман) *деб айт”*»³⁸.

³⁷ Бухорий (5016) ва Муслим (2192) ривояти.

³⁸ Муслим ривояти, 2202.

Ойша разияллоҳу анҳо айтади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам руқя қилиб: “*Өғриқни кетказ, эй инсонлар Парвардигори, шифо Сенинг қўлингдадир. Дардни аритувчи ёлғиз Ўзингсан*”, дер эдилар»³⁹.

Бошқа бирордан сизга дам солиб қўйишини сўраманг. Бундай қилиш макруҳ саналади. Жаннатга ҳисоб-китобсиз кирадиган етмиш минг кишини сифатлаб Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «*Улар ўзларини куйдириб даволатмайдиган, дам солдирмайдиган, шумланмайдиган, Парвардигорларига таваккул қиласидиган кишилардир*»⁴⁰.

Лекин бирон киши сизга дам солмоқчи бўлса, уни қайтарманг. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айт-

³⁹ Бухорий ривояти, 5744.

⁴⁰ Бухорий (5705) ва Муслим (218) ривояти.

ганлар: «(Қандай ва нима сўзлар билан) руқя қилишингизни – дам солишингизни менга кўрсатинг. Агар ширк сўзлар бўлмаса, дам солишнинг зарари йўқдир»⁴¹.

Ойша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган бошқа бир ҳадисда келади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам оғриб қолсалар, у зотга Жаброил алайҳиссалом дам солиб: “Аллоҳ номи билан (ўқийман), У дарддан халос этади. Сенга озор бераётган барча оғриқдан, ҳасад қилувчининг ҳасадидан ва ёмон кўздан шифо беради”, дер эди»⁴².

Абу Саид разияллоҳу анҳу ривоят қиласди: «Жаброил алайҳиссалом Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига келиб: “Эй Муҳаммад, касалликдан азият чекяпсизми?” деб сўради. Расулуллоҳ саллаллоҳу алай-

⁴¹ Муслим ривояти, 2200.

⁴² Муслим ривояти, 2185.

ҳи ва саллам: “Ҳа”, дедилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом: “Аллоҳ номи билан сизга дам соламан. Сизга озор бераётган барча нарсадан, ҳар бир нафснинг ёмонлигидан ёки ҳасадгўйнинг кўзидан Аллоҳ сизга шифо берсин. Аллоҳ номи билан сизга дам соламан”, деб руқя қилди»⁴³.

Абу Саид Худрий разияллоҳу анхудан ривоят қилинади: «Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам сахобаларидан бир неча нафари сафарда эканлар, араб қабилаларидан бирига келадилар. У қабила сахобаларни меҳмон қилмайди. Шу орада қабила оқсоқолини (илон ё чаён) чақиб олди. Қабила аҳли сахобалар олдига келиб: “Эй қавм, сизларда бирон дори-дармон ёки руқя ўқувчи (дам солувчи) борми?” деб

⁴³ Муслим ривояти, 2186.

сўрадилар. Саҳобалар: “Сизлар бизни меҳмон қилмадингиз, энди биз ҳам бирон хизмат ҳақи бермагунингизча руқя ўқимаймиз”, дедилар. Сўнг улар билан бир неча бош қўй беришга келишдилар. Кейин саҳобалардан бири бориб, «Фотиҳа» сурасини ўқиб, унга дам солди. Қабила оқсоқоли соғайиб, дарддан фориғ бўлди. Келишилган қўйларни олиб келганида саҳобалар: “Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўрамагунимизча олмаймиз”, дедилар. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан сўраган эдилар. У зот кулиб: “*Унинг* («Фотиҳа» сурасининг) руқя эканини қаердан билдинг?” деб: “*Қўйларни тақсим қилиб олинглар ва менга ҳам бир улуш ажратинглар*”, дедилар⁴⁴.

⁴⁴ Бухорий (2276) ва Муслим (2201) ривояти.

Сизнинг касалингиз кўз тегишдан бўлиши ҳам мумкин, лекин шу ҳам тақдирингизда ёзилган бўлади. Сиз ўзингизга дам солинг, кўз тегишдан руқя қилинг.

«Саҳиҳайн»да келган ҳадисда Ойша разияллоҳу анҳо бундай деганлар: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам кўз тегишидан руқя қилишга амр этдилар»⁴⁵.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам Асмо бинти Умайс разияллоҳу анҳога: *«Нима бўлди, жиянларим озғин кўриняпти, уларга муҳтожлик етганми?»* дедилар. Асмо: «Билмадим, лекин уларга кўз тегяпти», деди. *«Уларга руқя қил»*, дедилар. Асмо айтади: «Мен руқя-

⁴⁵ Бухорий (5738) ва Муслим (2195) ривояти.

да ўқийдиганларимни ул зотга айтган эдим: “Шулар билан руқя қил”, дедилар»⁴⁶.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу анҳумо деди: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Күз тегиши ҳақдир. Агар қазо-қадардан бирон нарса ўзса, күз ўзар эди. Сиздан ювиниб бериш сўралса, ювиниб беринг”»⁴⁷.

Яъни, кўз теккан киши сиздан гумон қилиб, сиз ишлатган сувни устидан қўйиш учун таҳорат қилиб ёки ювиниб беришингизни талаб қилса, йўқ деманг.

Ойша разияллоҳу анҳодан ривоят қилинган ҳадисда айтилади: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал кўргани борсалар ёки беморни У зот ҳузурларига олиб келинса, Набий

⁴⁶ Муслим ривояти, 2198.

⁴⁷ Муслим ривояти, 2188.

саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “*Оғриқ-ни кетказ, эй инсонлар Парвардигори. Шифо берувчи Сенсан, Ўзинг шифо бер. Сенинг шифоингдан бошқа шифо йўқ. Касалдан асар ҳам қолдирмайдиган (комил) шифо бер*”, дер эдилар»⁴⁸.

Хаста биродарим! Қуида Аллоҳ таолонинг китоби Қуръонда ва пайғамбаримиз Мұхаммад саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларида келган айрим даво турларини келтирамиз, шулардан ўзингизга муносиб бўлганини, касалингиз турига қараб, қай бири дардингизга малҳам бўлса, шундан истеъмол қилинг!

Аллоҳ таборака ва таоло асал ҳақида бундай деб марҳамат қилган: «**Асалда одамлар учун шифо бордир**» (Наҳл, 69).

⁴⁸ Бухорий (5742) ва Муслим (2191) ривояти..

Абу Саид разияллоҳу анҳудан ри-
воят қилинган ҳадисда айтилади: Бир
киши Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи
ва саллам ҳузурларига келиб: «Укам
қорин оғриғидан азият чекяпти», деди.
Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва сал-
лам: «*Үнга асал ичир*», дедилар. Иккин-
чи бор келганида ҳам *«асал ичир»*, де-
дилар, учинчи бор келганида ҳам *«асал*
ичир», дедилар. Шундан сўнг яна келиб:
«Унга асал бердим, тузалмади», деган
эди, Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва
саллам: *«Аллоҳ рост сўзлаган, уканг-*
нинг қорни алдаяпти. Үнга асал бер»,
дедилар. У яна асал берган эди, укаси
соғайиб кетди⁴⁹.

Жобир ибн Абдуллоҳ разияллоҳу
анҳумо деди: «Мен Расулуллоҳ саллал-
лоҳу алайҳи ва салламнинг бундай деб

⁴⁹ Бухорий ривояти, 5684.

айтганларини эшитдим: “*Дориларингиз-нинг бирортасида яхшилик бўлса, ҳижомада, асал ичишида ва касалга мувофиқ келувчи ўт билан куйдиришдадир. Лекин мен куйдириб даволашни хуш кўрмайман*”»⁵⁰.

Пайғамбар саллаллоҳу алайҳи ва саллам қорин оғриғидан шикоят қилган айрим кишиларга туяниг сути билан сийдигини ичишни тавсия қилганлари Имом Бухорийнинг «Саҳиҳи»да келган.

Яна бир ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: «*Қора седана ўлимдан бошқа барча дардга даводир*», деганлар⁵¹.

Ойша разияллоҳу анҳо касалга ва азадорга талбина (ёвғон хўрда) беришга буюриб: «Мен Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бундай

⁵⁰ Бухорий ривояти, 5683.

⁵¹ Бухорий ривояти, 5688.

деганларини эшитганман: “Талбина (ёв-фон хўрда) *касалга роҳат бўлади, уни тетиклаширади ва айрим ғамларни кеткизади*”»⁵².

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳижома қилдирганлар. У зотни Абу Тойба исмли киши ҳижома қилган. Набий саллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Тойбага икки соъ (чамаси 5 кг) егулик берганлар ҳамда хўжайнларига унинг хирожидан бир оз камайтиришни тайинлаганлар, «*Сизлар даволанадиган нарсаларнинг энг яхиси ҳижома ва қустул-баҳрийдир. Болаларингиз томоғидаги йирингни сиқиб уларни қийнаманг, қуст билан даволанг!*» деб айтганлар»⁵³.

Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам васф этган ушбу даволардан қай бири сизга муносиб келишини

⁵² Бухорий ривояти, 5689.

⁵³ Бухорий ривояти, 6596.

билсангиз ўзингиз, билмасангиз била-
диган кишилар тавсия қилганларини
истеъмол қилинг. Шифони эса Аллоҳ-
дан сўранг. Зеро дард, мусибат ва бало-
ларни кетказувчи ёлғиз Аллоҳдир.

Бу дегани касал бўлсангиз ўзингиз-
ни табиб ё дўхтирга кўрсатманг, дегани
эмас. Ишончли ва моҳир табиб ё дўхтири-
бўлса, унга учраб, ҳолатингизни баён
қилинг, сизни нима безовта қилаётган
бўлса айтинг. Фақат табиб ё дўхтирининг
ишончли, ҳақиқатда мутахассис экани-
га эътибор беринг. Иложи бўлса диндо-
рига, Аллоҳдан қўрқадиганига учранг.
Аллоҳ таоло деди: **«Ёлланган кишилар-
нинг энг яхшиси кучли ҳамда омонат-
дор кишидир»** (Қасос, 26).

Яъни, мутахассислигида кучли, ба-
жарадиган ишида ва динида омонат-
дор бўлган киши мурожаат қилиш учун
энг яхши кишидир.

Лекин, зинхор-базинҳор сизга ет-
ган дардни, касалликни сўкманг!!!

Касаллик юқорида айтиб ўтгани-
миздек, гуноҳларга каффорат бўлади.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва
саллам Умму Соиб исмли аёлга: «*Исит-
ма одамзотнинг гуноҳларини темирчи-
нинг босқони темир зангини кеткизга-
нидек кеткизади. Шунинг учун иситма-
ни зинхор сўкмагин*», деганлар⁵⁴.

Шунингдек, саратон (рак) касалли-
ги ҳақида ҳам: «Жуда ярамас, жирканч,
мальун касал экан», деб айтманг. Аллоҳ
барчамизни бу касалликдан сақласин.
Саратон касаллиги ҳам гуноҳу камчи-
ликларни кетказади, тозалайди.

Абдуллоҳ ибн Аббос разияллоҳу
анҳумо ривоят қилади: «Расулуллоҳ
саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал

⁵⁴ Муслим ривояти, 2575.

ётган аъробий кишини кўргани кирдилар. Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг одатлари касал ётган биродарлари ҳолидан хабар олиб турар эдилар. У зот касал кўргани кирсалар, одатда: “Ҳечқиси йўқ, иншааллоҳ яхши бўлиб кетасиз”, дердилар. Аъробийга ҳам шундай деган эдилар, у: “Яхши бўлиб кетасиз, дейсизми? Йўқ, ундан эмас, ёндираётган бу иситма мен қарияни гўрга олиб бориб тиқса керак”, деди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Майли унда, (сиз айтганча бўлақолсин)” дедилар»⁵⁵.

Нафақат дардни, балки ўзингизни ҳам дуоибад қилманг.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Ўзингизни, фарзандларингизни ва мол-дунёнгизни дуоибад

⁵⁵ Бухорий ривояти, 5656.

қилмангиз. Тағин дуо қилинса ижобат бўладиган соатга тўғри келиб қолмасин»⁵⁶.

Ўлимни орзу қилманг.

Бемор дўстим, сиз икки иш ўртаси-дасиз. Ё яхши ишлар қиладиган мух-синсиз, у ҳолда дунёдаги ҳаётингиз сиз учун яхшилик бўлади. Ёки ёмон ишлар қилиб юрувчи фосиқсиз, агар шундай бўлсангиз, унда ҳам ўлимни орзу қилманг. Ҳаёти дунёда қолишингиз сизга яхшилик бўлиши, гуноҳларга тавба қилиб, бой берилган яхши амалларга му-ваффақ бўлиб қолишингиз мумкин.

Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Сизлардан бирон киши ўзига етган қийинчилик боис ҳаргиз ўлимни орзу қилмасин. Ўлимни орзу қилишдан бошқа чораси қолмаса: “Пар-

⁵⁶ Муслим ривояти, 3009.

*вардигор, ҳаёт мен учун яхши бўлса,
мени яшатгин, ўлим мен учун яхши бўл-
са, жонимни олгин”, деб айтсин»⁵⁷.*

«Саҳиҳайн»да келган ҳадисда Қайс ибн Абу Ҳозим деди: «Хаббоб ибн Арат-ни кўргани бордим, у қорнининг етти еридан куйдириб даволатган экан. Ҳу-зурига кирганимда: «Расулуллоҳ сал-лаллоҳу алайҳи ва саллам ўзимизга ўлим сўраб дуо қилишдан қайтармаган бўлганларида Аллоҳдан жонимни оли-шини сўраб дуо қилган бўлар эдим», деб айтганини эшитдим»⁵⁸.

Имом Бухорий «Саҳиҳ»ида кел-тирган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «Биронтангиз ўлимни асло орзу қилма-син. Зоро, инсон солиҳ бўлса, умри узайи-ши билан ажру савоблари ортиши, осий

⁵⁷ Бухорий (5671) ва Муслим (2680) ривояти.

⁵⁸ Бухорий (7234) ва Муслим (2681) ривояти.

бўлса, тавба қилиб, Аллоҳнинг розилиги-га эришиши мумкин»⁵⁹.

Имом Муслим ривоятида эса: «Биронтангиз ўлимни орзу қилмасин, ўлими келмасидан олдин ўлим сўраб дуо қилмасин. Чунки вафот этиши билан номаи аъмоли ёпилади. Мўмин кишининг умри узок бўлиши унга фақат яхшиликни зиёда қиласди», деб айтганлар⁶⁰.

Мўмин киши динида фитнага дучор бўлиб қолишидан қўрқса, шундагина ўлимни орзу қилса бўлади. Расуллурроҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: «Эй Раббим, агар бир қавмни имтиҳон қилишни иродга этсанг, мени фитналантирмай жонимни ол»⁶¹.

Энди касаллик асносида эҳтиёжингиз тушиши мумкин бўлган айрим

⁵⁹ Бухорий ривояти, 5673.

⁶⁰ Муслим ривояти, 2682.

⁶¹ Аҳмад ривояти, 5/243.

фиқхий масалаларни эслатиб ўтаман,
Аллоҳ муваффақ қилсин.

Хаста биродарим, ҳар қандай ҳолатда ҳам намозни ташлаб қўйманг. Туриб ўқишга қодир бўлмасангиз ўтириб ўқинг, ўтириб ўқишга ҳам қодир бўлмасангиз ётиб бўлса ҳам ўқинг.

Имом Бухорий келтирган ҳадисда: «Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам касал бўлиб қолғанларида намозни ўтириб ўқидилар», дейилган⁶².

Имрон ибн Ҳусайн разияллоҳу анҳу деди: «Менда бавосир бор эди. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан намозни қандай ўқишимни сўрадим. У зот: *“Тик туриб ўқи, туриб ўқишга қодир бўлмасанг ўтириб ўқи, ўтириб ҳам ўқий олмасанг ёнбошлаб ўқи”*, дедилар»⁶³.

⁶² Бухорий ривояти, 1113.

⁶³ Бухорий ривояти, 1117.

Агар катетер (қовуқни бўшатиш, катта ва кичик нажосатни чиқариш учун ишлатиладиган найча) қўлласангиз, найча баданингизга бириткирилган бўлса ҳам зарари йўқ, намозга таъсир қилмайди. Чунки бу заруратдир, сиз қодир бўлган, имкон топган, шароитингиз тақозо қилган ҳолатдир.

Аллоҳ таоло деди: «**Аллоҳ бандаларидан тоқатларидан ташқари нарсанни талаб қилмайди**» (Бақара, 286).

Агар сув билан таҳорат қилишга қодир бўлмасангиз, таяммум қилиб ўқинг.

Таяммумни қуйидагича қиласиз: Қўлингиз билан ерга (тупроқقا) бир марта урасиз, сўнг юзингиз ва кафтларингизга суртасиз. Имом Бухорий «Саҳиҳ»ида келган ҳадисда: «Расулulloҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам қўл-

лари билан ерга урдилар, сўнг юzlари ва кафтларига суртдилар»⁶⁴.

Сув ҳам, тупроқ ҳам топа олмасангиз, қўлингиз билан деворга уриб таяммум қилсангиз ҳам бўлади.

Агар сув ҳам, тупроқ ҳам, девор ҳам, таяммум қиладиган бошқа бирон нарса ҳам топа олмасангиз, қандай ҳолатда бўлсангиз ҳам намоз ўқийверинг. Бундай ҳолатдаги одамни уламолар: «Таҳоратга сув, таяммумга тупроқ то-полмаган киши», деб атаганлар. Юқорида ўтган кўринишдаги таяммум кичик таҳоратсиз кишига етарли бўлганидек, жунуб кишига ҳам кифоя қилади.

Меҳрибон Раббимиз bemorларга рўза тутмасликка рухсат бериб: **«Бемор ва мусоғир кишиларга рўза тутмасликка рухсат берилади, бироқ кейин**

⁶⁴ Бухорий ривояти, 343.

ўшанча кунлар миқдорича қазосини тутиб берадилар. Аллоҳ ўз қонун-қоидаларида сизларга енгиллик ва қулайликни истайди, У сизларга қийинчилик ва машаққат бўлишини истамайди», деди (Бақара сураси, 185).

Шу билан бирга, яқинларингизга васият қилиб қўйишни ҳам унумтандиган. Менинг бу сўзимдан хафа бўлиб юрманг, тағин. Бу дунё фоний, бир кун келиб ҳаммамиз ҳам ўтамиш.

Аллоҳ таоло деди: «Ер юзидағи барча жонзот фонийдир. Буюклиқ, фазлу марҳамат ва саховат эгаси бўлган Раббингизнинг юзигина боқий қолур» (Раҳмон сураси, 28).

Абдуллоҳ ибн Умар разияллоҳу анҳумодан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва саллам бундай деганлар: «*Васият қиласидаган нарсаси бор бўлган мусулмон киши*

*васияти ёзилмаган ҳолда икки кече ту-
наши дуруст эмас»⁶⁵.*

Аллоҳни кўп зикр қилинг, хусу-
сан «Ла илаҳа иллаллоҳ» калимасини
доим айтиб юринг. Расулуллоҳ саллал-
лоҳу алайҳи ва саллам: *«Ким Аллоҳнинг
розилигини истаб «Ла илаҳа иллаллоҳ»*
(Аллоҳдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ) *деб
айтса ва охирги сўзи шу калима бўлса,
жаннатга киради»*, деб айтганлар⁶⁶.

Хаста биродарим, bemor дўстим,
сизни Аллоҳга топширдим. Аллоҳ тао-
ло сизни Ўз ҳифзи ҳимоясида арасин.
Шифои комил ато этсин, оғият берсин.
Касалликдан сизни хато-камчиликлар-
дан покланган, гуноҳлар мағфират қи-
линган ва мартабангиз юксалган ҳол-
да чиқарсин. Ҳаловатини қалбингизда
топадиган иймон берсин... Аллоҳумма

⁶⁵ Бухорий (2738) ва Муслим (1627) ривояти.


⁶⁶ Имом Аҳмад ривояти, 5/391.

амин, Аллоҳумма амин, Аллоҳумма амин.

Оламлар парвардигори Аллоҳга ҳамду санолар, Пайғамбаримизга салавот ва саломлар бўлсин.

Вассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух.

*26 шаърон, 1440 ҳижрий сана
1 май, 2019 милодий сана*



IXLOS
Nashriyoti

МУНДАРИЖА

Таржимон муқаддимаси.....	5
Муқаддима	9
Хаста биродарим...	13
Синов-имтиҳонларнинг фойдалари.....	30

Мустафо ибн Адавий

Бемор дўстимга мактуб

1441 х. – 2020 м.

© Ixlos, 2020

